ЎЗБЕКИСТОН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИНГ МАРКАЗИЙ ДЕПОЗИТАРИЙСИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ДЕПОЗИТАРИЙ ЦЕННЫХ БУМАГ УЗБЕКИСТАНА

2018

ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ

ГОДОВОЙ ОТЧЕТ

2018

ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ
ГОДОВОЙ ОТЧЕТ

БОШ ДИРЕКТОРНИНГ МУРОЖААТИ

ОБРАЩЕНИЕ ГЕНЕРАЛЬНОГО ДИРЕКТОРА

Ҳурматли ҳамкасблар ва ҳамкорлар!

2018 йил якунларини сарҳисоб қилишда, муҳим воқеа – республика фонд бозори тарихида илк бор ўтказилган ва Марказий депозитарий ҳам фаол иштирок этган - акцияларни оммавий таклиф этиш тадбирини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. 2018 йилнинг апрель ойида фонд биржасида «Кварц» АЖ акцияларининг қўшимча чиқарилувини оммавий жойлаштириш (IPO), декабрь ойида эса «Қўқон механика заводи» АЖ акцияларини оммавий таклиф этиш (SPO) амалга оширилди.

Ўтган йилда корпоратив қимматли қоғозларнинг уюшган бозори айланмаси 2017 йилга нисбатан 2,7 баробарга ўсди ва 815,5 млрд. сўмни ташкил этди. Битимларнинг умумий сони эса қарийб 3 баробарга ортди.

Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида фаол иш олиб борилди, шу жумладан, Евроосиё марказий депозитарийлари ассоциациясининг «Халқаро бозорга чиқиш: тўсиқлар ва имкониятлар» мавзусидаги XV халқаро конференцияси Марказий депозитарий ташкилотчилигида ўтказилди. Тошкент шаҳрида 27-28 сентябрь кунлари ўтказилган ушбу анжуман иштирокчиларнинг юксак эътирофига сазовор бўлди.

Конференция якунлари Марказий депозитарийни 2019 ва кейинги йилларда ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилашда муҳим аҳамият касб этди. Кўзланган лойиҳаларни амалга ошириш ва молиявий инфратузилмалар фаолияти билан боғлиқ халқаро стандартларни қўллаш учун даставвал мустаҳкам пойдевор ўрнатиш зарур. Ушбу йўналишдаги ишлар республика капитал бозори инфратузилмасини такомиллаштириш ва унинг элементлари шаффофлигини таъминлаш мақсадига хизмат қилади.

2019 йилда бизни кўпгина янгиликлар ва қизиқарли лойиҳалар кутмоқда.

Уважаемые коллеги и партнеры!

Подводя итоги 2018 года, хочется особо отметить знаменательное событие - первое в истории фондового рынка республики публичное предложение акций, в подготовительных мероприятиях которого Центральный депозитарий принял активное участие. В частности, на фондовой бирже в апреле прошло публичное размещение дополнительного выпуска акций (IPO) АО «Кварц», а в декабре – публичное предложение акций (SPO) АО «Кукон механика заводи».

Прошедший год, по сравнению с предыдущим, показал рост оборотов организованного рынка корпоративных ценных бумаг в 2,7 раза, что составило 815,5 млрд.сум. Общее количество сделок при этом увеличилось более чем в 3 раза.

Активная работа была проведена по укреплению международного сотрудничества, в частности, Центральный депозитарий выступил организатором XV Международной конференции Ассоциации центральных депозитариев Евразии «Выход на зарубежные рынки: вызовы и возможности». Мероприятие успешно прошло 27-28 сентября в столице Узбекистана и получило высокую оценку участников.

Итоги конференции послужили основой для определения приоритетных направлений перспективного развития Центрального депозитария на 2019 и последующие годы. Нам предстоит реализовать заявленные проекты и заложить фундамент для применения международных стандартов, связанных с деятельностью финансовых инфраструктур. Мы считаем, что работа в этих направлениях будет способствовать совершенствованию инфраструктуры рынка капитала республики и обеспечению прозрачности его элементов.

Наступивший год готовит нам много нового и интересного.

Абдужаббаров Шерали Янгибаевич

1

«Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси» Давлат корхонаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 майдаги “Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида”ги 263-сонли Қарори асосида ташкил этилган.

Государственное предприятие «Центральный депозитарий ценных бумаг» создано Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан № 263 от 21 мая 1999 г. «О вопросах организации и деятельности Центрального депозитария ценных бумаг».

2

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига Марказий депозитарийнинг устав фонди 1 млрд. сўмни ташкил этади.

По состоянию на 1 января 2019 г. уставный фонд Центрального депозитария составляет 1 млрд. сум.

3

Марказий депозитарийнинг ташкилий тузилмаси олти бошқарма ва уч мустақил бўлимдан иборат.

Организационная структура Центрального депозитария состоит из 6 управлений и 3 самостоятельных отделов.

4

Марказий депозитарий фонд бозорининг йирик институтларидан бири сифатида ўз мижозларига 30 га яқин депозитарлик ва бошқа ахборот-маслаҳат хизматларини кўрсатади.

Центральный депозитарий в качестве крупнейшего института фондового рынка предоставляет своим клиентам около 30 видов депозитарных услуг и сервисов, сопутствующих депозитарной деятельности.

5

Марказий депозитарий Осиё-Тинч океани ҳавзаси марказий депозитарийларининг ассоциацияси (ACG) аъзоси ва Евроосиё марказий депозитарийлари ассоциацияси (AECSD) аъзоси ҳисобланади.

Центральный депозитарий является членом Азиатско-Тихоокеанской Ассоциации центральных депозитариев (ACG) и Ассоциации центральных депозитариев Евразии (AECSD).

6

Марказий депозитарий 2014 йилдан бошлаб Россия Федерациясининг “Миллий ҳисоб депозитарийси” билан Ўзбекистон Республикаси эмитентлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларга халқаро ISIN ва CFI кодларини бериш бўйича ахборот ҳамкорлигини амалга оширмоқда.

С 2014 года осуществляется информационное взаимодействие Центрального депозитария ценных бумаг Узбекистана и Национального Расчетного Депозитария (Россия) по присвоению международных кодов ISIN и CFI ценным бумагам, эмитированным резидентами Узбекистана.

қимматли қоғозларни ҳисобга қўйиш	постановка на учет ценных бумаг
қимматли қоғозлар эгаларининг реестрларини юритиш	ведение реестров владельцев ценных бумаг
давлатнинг қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларини, шунингдек қимматли қоғозларни бошқариш бўйича давлат ваколат берган шахс-ларнинг қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш	учет прав государства на ценные бумаги, а также прав на ценные бумаги уполномоченных государством лиц по управлению ценными бумагами
инвестиция воситачиларининг депо ҳисобварақларини юритиш	ведение счетов депо инвестиционных посредников
қимматли қоғозлардаги ҳисоб-китобларни белгиланган тартибда амалга ошириш	осуществление в установленном порядке расчетов в ценных бумагах
Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан чиқарилган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага киритилган қимматли қоғозларни ҳисобга олиш	учет допущенных к обращению на территории Узбекистана ценных бумаг, выпущенных нерезидентами страны
Депонентларнинг ягона базасини юритиш	ведение Единой базы депонентов
Ўзбекистон Республикасининг резидентлари томонидан чиқарилган эмиссиявий қимматли қоғозларга халқаро кодларни бериш	присвоение международных кодов эмиссионным ценным бумагам, выпущенным резидентами Узбекистана
депо ҳисобварақлари бўйича эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳаракати тўғрисидаги ахборотни тўплаш ва тизимлаштириш	сбор и систематизация информации о движении эмиссионных ценных бумаг по счетам депо

Бизнинг миссиямиз

Наша миссия

Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида қимматли қоғозларни сақлаш, ҳисобини юритиш ва ҳаракатининг ягона тизимини таъминлаш.

Депозитар ва ахборот технологияларини такомиллаштириш, депозитар тизимнинг узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш.

Обеспечение единой системы хранения, учета прав и движения ценных бумаг на рынке ценных бумаг Узбекистана.

Совершенствование депозитарных и информационных технологий, обеспечение бесперебойного функционирования депозитарной системы.

Бизнинг қадриятларимиз

Наши ценности

Теран билим ва имкониятга эга, ғайрату шижоатларидан кучли ва устуворликлари яққол сезилиб турган профессионаллар жамоаси.

Асосли ва пухта ўйланган ташаббусларга хайрихоҳлик, фонд бозорини ривожлантиришга йўналтирилган ҳамкорликка ва турли лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга тайёр туриш.

Мижозлар билан тезкорлик, бенуқсон обрў-эътибор ва умумий мақсадга интилишга асосланган ишончли муносабатлар.

Команда профессионалов, чьи знания, потенциал, энергия и творчество делают ее сильной и уникальной.

Открытость для обоснованных и продуманных инициатив, готовность к сотрудничеству и поддержке любых проектов, направленных на развитие фондового рынка.

Доверительные отношения с нашими клиентами, основанные на оперативности, безупречной репутации и нацеленности на результат.

Мақсадларимиз

Марказий депозитарийни Евроосиёнинг йирик, етакчи депозитарийларидан бирига айлантириш.

Халқаро қимматли қоғозлар бозорининг барча йирик иштирокчилари билан мустаҳкам (шу жумладан, корреспондентлик) муносабатларни ўрнатиш.

Кенг қамровли юқори сифатли хизматларни тақдим этиш йўли билан фонд бозори иштирокчиларига қулай шароитларни яратиш.

Наши цели

Превращение Центрального депозитария в один из крупнейших первоклассных депозитариев Евразии.

Установление прочных отношений (в том числе корреспондентских) со всеми крупными участниками международного рынка ценных бумаг.

Создание комфортных условий участникам фондового рынка, путем предоставления широкого спектра высококачественных услуг.

Бизнинг стратегия

Қонун ҳужжатлари билан юклатилган вазифаларни, шунингдек жаҳон тажрибаси анъаналарига кўра марказий депозитарийларга хос бўлган вазифаларни бажаришга ташкилий, ҳуқуқий, технологик, техник, молиявий ва амалий жиҳатдан тайёр бўлишликни таъминлаш.

Ички ва халқаро молия бозорларини ривожлантириш тамойилларига мувофиқ хизматлар соҳасини кенгайтириш.

Фаолият юритиш билан боғлиқ бўлган хатарларнинг умумий даражасини камайтириш.

Марказий депозитарийнинг йирик депозитар-клиринг ташкилотлар билан корреспондентлик алоқаларини ўрнатиш орқали халқаро молия инфратузилмасига кириш.

Инновацион технологиялар ва қулайликларни жорий этиш.

Наша стратегия

Обеспечение организационной, правовой, технологической, технической, финансовой и операционной готовности к выполнению функций, возложенных на него законодательством, а также функций, традиционно присущих в мировой практике центральным депозитариям.

Расширение спектра услуг в соответствии с тенденциями развития внутреннего и международного финансовых рынков.

Снижение общего уровня рисков, связанных с осуществлением деятельности.

Вхождение в международную финансовую инфраструктуру через установление корреспондентских отношений Центрального депозитария с крупнейшими депозитарно-клиринговыми организациями.

Внедрение инновационных технологий и сервисов.

Ўзбекистонда акция ва облигациялар фонд бозорининг асосий молиявий инструментлари ҳисобланади.

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига республикада фаолият юритаётган 603 акциядорлик жамиятининг акциядорлик капитали 59,43 трлн. сўм миқдордаги 6,29 млрд. дона акцияни ташкил этади. 2018 йил давомида акция чиқарилишларининг умумий ҳажми 10,80 трлн. сўмга ортди.

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига республикада 198,06 млрд.сўм умумий миқдордаги 9 та облигация чиқарилишлари муомаласи юритилмоқда.

Қимматли қоғозлар эгалари сони эса – 776 918 ни, шу жумладан 713 753 – жисмоний шахсни (умумий қимматли қоғозлар эгалари сонининг 91,87 фоизини) ва 63 165 – юридик шахсни (умумий қимматли қоғозлар эгалари сонининг 8,13 фоизини) ташкил этади.

195 та акциядорлик жамияти устав фондидаги давлат улуши 47,37 трлн.сўмни ташкил этади.

Хўжалик бошқаруви органларининг 279 акциядорлик жамияти устав фондидаги улушлари ҳажми 5,84 трлн.сўмни ташкил этади.

В Узбекистане основными финансовыми инструментами фондового рынка являются акции и корпоративные облигации.

По состоянию на 01.01.2019 г. акционерный капитал действующих в республике 603 акционерных обществ превысил 59,43 трлн. сум, что в количественном выражении составляет 6,29 млрд. штук акций. За 2018 год объём учитываемых выпусков увеличился на 10,80 трлн. сум.

По состоянию на начало года в обращении находятся 9 выпусков облигаций на общую сумму 198,06 млрд. сум.

Число владельцев ценных бумаг составило 776 918 лиц, из которых 713 753 – физические лица (91,87% от общего количества владельцев) и 63 165 – юридические лица (8,13% от общего количества владельцев).

Доля государства в уставных фондах в 195 АО составляет 47,37 трлн. сум.

Объем активов доли органов хозяйственного управления в уставных фондах 279 АО составляет 5,84 трлн.сум.

Акциядорлик жамиятлари сони

АЖ АО **606** 01.01.2018

-3↓

603 АЖ АО 01.01.2019

Количество акционерных обществ

Акция чиқарилишларининг умумий ҳажми

Общий объем выпусков акций



Корпоратив қимматли қоғозларнинг чиқарилиш ҳажми (млрд.сўм)

Объем выпусков корпоративных ценных бумаг (млрд.сум)

Корпоратив қимматли қоғозларнинг уюшган бозори айланмаси

Обороты организованного рынка корпоративных ценных бумаг



ОБСЛУЖИВАНИЕ ЭМИТЕНТОВ

ЭМИТЕНТЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

Эмитентларга хизмат кўрсатиш

Обслуживание эмитентов

Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси эмитентларга қимматли қоғозларни ҳисобга қўйиш, илгари рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиш, қимматли қоғозлар чиқарилишларини ҳисобдан чиқариш, шунингдек қимматли қоғозлар эгалари реестрларини шакллантириш каби хизматларни кўрсатади.

Жамиятнинг акцияларини майдалаш ва йириклаштириш, капиталлаштириш ҳисобига чиқарилган қўшимча акцияларни жойлаштириш, қимматли қоғозларнинг бир турини бошқа турига айирбошлаш, шунингдек жамиятни қайта ташкил этишдаги айирбошлаш каби корпоратив ҳаракатларига хизмат кўрсатиш Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси ва инвестиция воситачилари орқали «каскад усули» билан амалга оширилади.

Марказий депозитарий Миллий рақамловчи агентликлар ассоциациясининг ҳамкори бўлган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси бўйича рақамловчи агентлик вазифасини бажарувчи “Миллий ҳисоб депозитарийси” НБТ ЁАЖ (Россия) билан биргаликда ўзбек эмитентлари томонидан чиқарилган ва “Тошкент” РФБ листингига киритилган қимматли қоғозларга ISIN ва CFI халқаро кодларини бериш бўйича ҳамкорлик юритиб келмоқда.

2019 йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра 319 маҳаллий эмитентнинг 462 турдаги қимматли қоғозларига ISIN ва CFI халқаро кодлари берилди.

Центральный депозитарий ценных бумаг оказывает эмитентам такие услуги, как постановка на учет выпусков ценных бумаг, внесение изменений и (или) дополнений в ранее зарегистрированные выпуски ценных бумаг, снятие с учета выпусков ценных бумаг, формирование реестров владельцев ценных бумаг.

Такие корпоративные действия эмитента, как дробление и консолидация акций, размещение дополнительного выпуска акций, осуществленного за счет капитализации, конвертация одного вида ценных бумаг в другой, а также конвертация при реорганизации общества, осуществляются «каскадным методом» через Центральный депозитарий ценных бумаг и инвестиционных посредников.

Будучи партнером Ассоциации национальных нумерующих агентств (АННА) Центральный депозитарий во взаимодействии с НКО ЗАО «Национальный расчетный депозитарий» (Россия), выполняющим функции Замещающего нумерующего агентства по Республике Узбекистан, присваивает международные ISIN и CFI коды ценным бумагам, выпущенным узбекскими эмитентами, включенными в листинг РФБ «Тошкент».

На 01.01.2019 года международные коды ISIN и CFI присвоены 462 ценным бумагам 319 отечественных эмитентов.

Қимматли қоғозлар чиқарилишларига хизмат кўрсатиш

Обслуживание выпусков ценных бумаг

Қимматли қоғозлар эгалари реестрларини шакллантириш

Формирование реестров владельцев ценных бумаг



ИНФОРМАЦИОННО-КОНСУЛЬТАТИВНЫЕ УСЛУГИ

АХБОРОТ-МАСЛАҲАТ ХИЗМАТЛАРИ

Ахборот-маслаҳат хизматлари
Информационно-консультативные услуги

Марказий депозитарий республикадаги акциядорлик жамиятларига улар томонидан корпоратив ҳаракатларни ўтказишда ва қимматли қоғозлар эмиссия рисолаларини тайёрлашда кенг кўламдаги маслаҳат хизматларини таклиф этади.

Центральный депозитарий предлагает акционерным обществам по всей республике широкий спектр консультативных услуг при проведении ими корпоративных действий и при подготовке проспектов эмиссий ценных бумаг.

Маслаҳат хизмати кўрсатилаётган эмитентларнинг фаолият соҳалари

133 Жами Всего

Сфера деятельности консультируемых клиентов

4 Агрокимёвий моддалар ва компонентлар ишлаб чиқариш Производство агрохимических веществ и компонентов	8 Табиий ресурсларни қазиб олиш ва қайта ишлаш Добыча и переработка природных ресурсов
9 Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш Заготовка сельскохозяйственной продукции	5 Соғликни сақлаш ва ижтимоий инфратузилма Здравохранение и социальная инфраструктура
11 Илмий-техник ва ташкилий-технологик хизматлар Научно-технические и организационно-технологические услуги	13 Озиқ-овқат саноати Пищевая промышленность
4 Алоқа, ахборот технологиялари ва оммавий коммуникациялар хизмати Услуги связи, информационных технологий и массовых коммуникаций	3 Қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқариш Производство сельскохозяйственной техники
7 Савдо ва таъминот бўйича хизматлар Услуги по снабжению и торговле	3 Транспорт хизмати Услуги транспорта
37 Оғир саноат Тяжелая промышленность	18 Молиявий хизматлар Финансовые услуги
11 Қишлоқ хўжалик хом ашё ва озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва бирламчи қайта ишлаш Хранение и первичная переработка сельскохозяйственного сырья и продукции	

Маслаҳат хизматлари кўламини кенгайтириш
Расширение спектра консалтинговых услуг



2018 йилда фаолият соҳалари саноат ва иқтисодиётнинг 13 йўналишини қамраб олган акциядорлик жамиятларига

В 2018 году Центральным депозитарием ценных бумаг оказаны консультативные услуги акционерным обществам,

маслаҳат хизматлари кўрсатилди.

2019 йилда Марказий депозитарий томонидан маслаҳат хизматларининг янги турларини, яъни акциядорлик жамиятлари томонидан турли облигацияларни чиқаришда, шунингдек жамиятларга акцияларни бирламчи оммавий таклиф этишни (IPO) амалга оширишда хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда.

сфера деятельности которых охватывает 13 направлений.

Центральный депозитарий в 2019 году планирует расширить спектр консалтинговых услуг эмитентам за счет консультативных услуг при выпуске различных видов облигаций, а также при проведении первичного публичного размещения акций (IPO).

Маслаҳат хизмати кўрсатилаётган эмитентларнинг ҳудудий мансублиги

Территориальная принадлежность консультируемых эмитентов

Ҳудудлар номи Наименование регионов	АЖлар сони Количество АО
Қорақалпоғистон Республикаси Республика Каракалпакстан	3
Андижон Андижан	10
Бухоро Бухара	3
Жиззах Джизак	3
Қашқадарё Кашкадарья	5
Навоий Навои	6
Наманган Наманган	4
Самарқанд Самарканд	3
Сурхондарё Сурхандарья	3
Сирдарё Сырдарья	2
Тошкент вилояти Ташкентская обл.	12
Фарғона Фергана	10
Хоразм Хорезм	3
Тошкент шаҳри г.Ташкент	66
Жами Итого	**133**

Депонентларга хизмат кўрсатиш
Обслуживание депонентов

Давлат активларини бошқариш бўйича ваколатли шахслар, инвестиция воситачилари ҳамда инвестиция фондлари ва уларнинг акциядорлари Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийсининг асосий мижозлари ҳисобланади. Шунингдек, Марказий депозитарий хўжалик бошқаруви органларининг ва бошқа юридик шахсларнинг депо ҳисобварақларини юритади.

Мижозларга хизмат кўрсатиш ўзаро тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

Основными клиентами Центрального депозитария ценных бумаг являются уполномоченные лица по управлению государственными активами, инвестиционные посредники, инвестиционные фонды и их акционеры. Также Центральный депозитарий ведет счета депо органов хозяйственного управления и других юридических лиц.

Обслуживание клиентов осуществляется в соответствии с заключенными договорами.

Депонентлар – хорижий инвесторлар

Депоненты - иностранные инвесторы

Депонентлар – маҳаллий инвесторлар

Депоненты – местные инвесторы



Марказий депозитарий республика депонентларининг ягона базасини (ўзига тегишли бўлган қимматли қоғозлар ҳисобини юритиш учун депо ҳисобварағини очган жисмоний ва юридик шахслар базаси) юритади. 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига депонентларнинг ягона базасида 923 598 депонент (шу жумладан, 65 315 – юридик шахс, 858 283 – жисмоний шахс) рўйхатга олинган. Шулардан 776 978 депонентнинг (63 165 – юридик шахс ва 713 753 – жисмоний шахс) депо ҳисобварағида қимматли қоғозлар мавжуд. Шунингдек, Марказий депозитарий унинг мижозларига тегишли қимматли қоғозлар бўйича биржадан ташқари битимларни рўйхатдан ўтказади.

Центральный депозитарий ведет единую базу депонентов республики (база данных о физических и юридических лицах, открывших счет депо для учета принадлежащих им ценных бумаг), в которой на 1 января 2019 года зарегистрированы 923 598 депонентов (65 315 юридических лиц и 858 283 физических лиц), из которых 776 978 депонентов (63 165 юридических лиц и 713 753 физических лиц) имеют на своих счетах депо ценные бумаги. Также Центральный депозитарий осуществляет регистрацию сделок с ценными бумагами, совершаемых его клиентами на неорганизованном внебиржевом рынке.

Инвестиция фондларининг акциядорлари

Акционеры инвестиционных фондов



Инвестиция фондларининг портфеллари ҳажми (млрд.сўм)

Объем портфеля инвестиционных фондов (млрд.сум)



Молиявий ҳисоботлар
Финансовая отчетность

Бухгалтерлик баланси
Бухгалтерский баланс

млн.сўм
млн.сум

Кўрсаткичлар Показатели	2017 й./г.	2018 й./г.
Актив/ Актив		
Асосий воситалар Основные средства	239,7	257,1
Товар-моддий заҳиралари Товарно-материальные запасы	15,0	16,2
Келгуси давр харажатлари Расходы будущих периодов	107	113,5
Дебиторлик қарздорлиги Дебиторская задолженность	750,1	687,0
Пул маблағлари Денежные средства	1 007,3	1 727,7
Қисқа муддатли инвестициялар Краткосрочные инвестиции	867,9	650,0
Актив бўйича жами Всего по активу	**2 987,0**	**3 451,5**
Пассив/ Пассив		
Устав капитали Уставный капитал	1 000,0	1 000,0
Резерв капитали Резервный капитал	168,7	196,8
Тақсимланмаган фойда Нераспределенная прибыль	1 242,1	1 767,3
Жорий мажбуриятлар Текущие обязательства	576,2	487,4
Пассив бўйича жами Всего по пассиву	**2 987,0**	**3 451,5**

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот
Отчет о финансовых результатах

млн.сўм
млн.сум

Кўрсаткичлар Показатели	2017 й./г.	2018 й./г.
Маҳсулотларни сотишдан соф тушум Чистая выручка от реализации продукции	3 854,1	4 872,8
Харажатлар Расходы	3 492,4	4 328,2
Бошқа даромадлар Прочие доходы	83,7	290,7
Валюта курси фарқидан даромадлар Доходы от валютных курсовых разниц	342,2	45,1
Валюта курси фарқидан зарарлар Убытки от валютных курсовых разниц	23,4	30,9
Даромад солиғи Налог на прибыль	90,4	155,9
Соф фойда Чистая прибыль	**673,8**	**693,6**

2019 йилда Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан МҲҲС ва ХАСга мувофиқ молиявий ҳисоботларга ўтиш бўйича тайёргарлик ишларини бажариш режалаштирилмоқда. 2020 йил якунларига кўра, Марказий депозитарий халқаро стандартлар бўйича молиявий ҳисоботларни амалга оширади.

В 2019 году Центральным депозитарием ценных бумаг планируется осуществление подготовительных работ по переходу финансовой отчетности в соответствии с МСФО и МСА.По итогам 2020 года Центральный депозитарий намерен осуществлять формирование финансовой отчетности по международным стандартам.

Ижобий аудиторлик хулосаси
Положительное аудиторское заключение

Аудиторлик текшируви 2018 йилдаги хўжалик фаолияти ва молиявий ҳисоботлар бўйича амалга оширилди. Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти аудиторлик текшируви амалга оширилган молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлиги учун жавобгардир. Аудиторлик ташкилоти ушбу молиявий ҳисобот бўйича берган хулосаси учун жавобгар ҳисобланади.

Ушбу аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказилди. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисоботнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини ҳамда молия-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий аҳволини баҳолашдан иборатдир.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўтказилган аудиторлик текшируви фикр билдириш учун етарли асос бўлади. Бизнинг фикримизча, Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсининг 2018 йилнинг 1 январидан 2018 йилнинг 31 декабригача бўлган давр учун молиявий ҳисоботи унинг молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттиради, Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан амалга оширилган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Ф.Т.Манапова,

«Консаудитинформ» агентлиги МЧЖ аудиторлик ташкилоти мустақил аудитори, малака сертификати рақами – 05250, 25.10.2014 йилда берилган.

Аудиторская проверка произведена по финансовой отчетности и хозяйственной деятельности за 2018 год. Ответственность за достоверность финансовой отчетности, подлежащей аудиторской проверке, несет руководство хозяйствующего субъекта. Аудиторская организация несет ответственность за свое заключение по данной финансовой отчетности.

Мы провели аудиторскую проверку в соответствии с НСАД РУз. Эти стандарты обязывают, чтобы мы обеспечили пользователей достаточной уверенностью в том, что финансовая отчетность не содержит существенных искажений. Аудиторская проверка заключается в оценке достоверности и соответствия финансовой отчетности законодательству, а также фактическому состоянию финансово-хозяйственной деятельности.

Мы считаем, что проведенная нами аудиторская проверка предоставляет достаточные основания для выражения мнения. По нашему мнению, финансовая отчетность Центрального депозитария ценных бумаг за период с 01 января по 31 декабря 2018 года достоверно отражает его финансовое положение и совершенные Центральным депозитарием ценных бумаг финансовые и хозяйственные операции соответствуют требованиям законодательства Республики Узбекистан.

Ф.Т.Манапова,

независимый аудитор Аудиторской организации ООО Агентство «Консаудитинформ», сертификат №05250 от 25.10.2014г.

Фаолият самарадорлигининг йиғинди кўрсаткичи

Интегральный коэффициент эффективности деятельности



ПОЛОЖИТЕЛЬНОЕ АУДИТОРСКОЕ ЗАКЛЮЧЕНИЕ

ИЖОБИЙ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Кадрлар сиёсати

Марказий депозитарий ходимларни профессионал тайёрлаш, танлаш, ўргатиш ва ўрин алмаштириш йўналишлари бўйича янги технологияларни жорий этган ҳолда, ходимларни бошқариш соҳасидаги энг яхши халқаро тажрибаларга мувофиқ иш тутишга интилмоқда.

Марказий депозитарийнинг ходимлар бошқаруви борасидаги сиёсати - ходимлар ташкилотнинг маънавий бойлиги, ундан бошқа турфа неъматлар сингари моҳирлик билан фойдаланиш ва ривожлантириш зарур, деган тушунчага асосланади.

Марказий депозитарийнинг кадрлар сиёсати юқори малакали мутахассисларни, иқтидорли ва истиқболли кадрларни алоҳида қўллаб-қувватлашга, меҳнатни рағбатлантириш ва мотивация тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган. Айни шу мақсадда Марказий депозитарийда ходимларнинг малакаларини ошириш, уларга янги технологиялар ва хорижий тилларни ўргатиш бўйича тадбирлар мунтазам амалга оширилади.

Мижозларнинг манфаатларига хизмат қилиш, ўз касбий билим ва малакасини мунтазам такомиллаштириш, жамоада ишлай олиш қобилиятига эга бўлиш каби талабларга жавоб бера оладиган профессионал мутахассисларнинг аҳил жамоасини шакллантириш – Марказий депозита-

Кадровая политика

Центральный депозитарий стремится соответствовать лучшим международным практикам в области управления персоналом, внедряя современные методы профессиональной подготовки и развития, отбора, адаптации и ротации персонала.

Политика Центрального депозитария в отношении персонала исходит из понимания того, что сотрудники - достояние организации, которое необходимо умело использовать и развивать в не меньшей степени, чем другие ресурсы.

